



ЎЗБЕКISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIIY GAZETA

№ 5 (4560) // 2020-yil 31-yanvar

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

ЯНГИ ЎЗБЕКISTON: ТИКЛАНИШДАН ЮКСАЛИШ САРИ

НАЖОТ – ИЛМ ВА МАЪРИФАТДА

Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасини ўқир эканман, гоятда мутаассир бўлдим, тўқилландим. Ва бир ишодкор, юртининг оддий бир фуқароси сифатида кўнглим тугайларини, ўй-мулоҳазаларимни изҳор этиш, қозога туширишга эҳтиёж сездим ўзимда. Аввало, янги йилнинг номламини ҳақида: "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"...



Мухтарам Президентимиз ушбу таклифни ўртага ташлаши билан даставвал "Имом уд-дунё" – бутун дунё имони дея тан олинган ватандошимиз, буюк муҳаддис Имом Бухорий хазратларининг "Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмади ҳам!" деган машҳур сўзлари ҳаёлимга келди. Илмдан бошқа нажот йўқ... Дарҳақиқат, дунё илм билан қойимдир, дунёнинг хикмати, бардавонлиги илм захматкашлари – олимлар хизмати билан таъминланади. Шу сабабдан ҳам илм соҳиб, илм захматини чекаган зот Яратган олдида ҳам, дунё ахли олдида ҳам ха-

минша қадрланади, шараф топади. Қуръони каримда: "Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даража ва мартабаларга кўтарур" дея ваъда қилинган бежиз эмас.

Уқув қайда бўлса – улуглик бўлар, Билим қайда бўлса – буюклик бўлар" – деган эди Юсуф Хос Ҳожиб хазратлари бундан тўққиз ярим аср муқаддам яратилган "Қутадғу билиг" асариди. Шундай, илм буюклик келтиради. Инсон камолоти, жамият тараққиёти, дунё бардавонлиги илм билан. Албатта, биз довуқли алломаларимиз – Бухорий ва Хоразмийлар, Самарқандий ва Фарғонийлар, Насафий ва Термизийлар билан фахрланарканмиз, улар ҳақида хайрату ҳавас билан сўз юртарканмиз, бугунги ёшларимиз орасида ҳам ана шундай буюк зотлар камолга етаётганига ишонгимиз келади. Кейинги йилларда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир анжуман, учрашуларда китоб ва китобхонликка алоҳида ургу бериши, бу масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, жуда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётгани ва албатта, маориф соҳасида олиб борилаётган

изчил ишохотлар... булар ҳаммаси бизга ана шундай ишонч билдиришимизга ишн беради.

Илм асли арабча сўз бўлиб, "билиш", "маълумотга эга бўлиш" мазмунини англатади. Пайгамбаримиз салаллоҳу алайҳи васаллам илм олиш фазилатини шундай баён қилдилар: "Кимки дунёни хоҳласа, илм олсин, кимки охирагини хоҳласа ҳам илм олсин". Шу маънода айтишимиз мумкинки, муваффақиятларнинг сирини ҳам кўп маълумотга, билимга эга бўлишдадир. Дунёнинг исталган ривожланган мамлакатини олиб қаранг: улар илмга, ёш авлод тарбиясига қаттиқ эътибор қаратгани натижада юксалишга эришилган. Иккинчи жаҳон урушида аламли мағлубиятга учраган, вайронага айланган Япония, Германия давлатларининг қисқа фурсатда оёққа тургани, дунёни лол қолдиргани бор гап-ку. Улар чинакам мўъжиза кўрсатдилар. Ва бу мўъжиза замирида ҳеч бир гайритабиий сир йўқ эди. Улар илм-фан тараққиётига қуч бердилар. Сабр-матонат билан, изчиллик билан ёш авлоднинг замонавий илм-фан асослари билан қуроллантириб, уларни барча зарурий жаб-ҳазларга мукамал билимга эга бўлган мутахассислар қилиб вояга етказишга интилдилар. Ва кўп ўтмай қутулган мўъжиза рўй берди. Ҳа, шундай: буюк бобокалонимиз янгилашмаган: Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмади ҳам... Не бахтики, бизда ҳам шундай жараён бошланган ва собитқадамлик билан давом этмоқда...



Ҳаётнинг асоси – сув самоларда ҳосил бўлади, юксак тоғларга жойлашади, ерларнинг қаърларида сақланади. Тозалигини тоза маконларда асрайди.

ҲАЁТНИНГ АСОСИ

Масалалар, муаммолар, тараққиёт кўрсаткичлари, ингилашлари бойиб, қучайиб, янгидан-янги олтин қирраларини намоён қилиб бормоқда. Вазифалар, максаллар ҳам теранлашиб, уфқлари кенгайиб, реал қиёфага эга бўлмоқда. Бу масалалар барчаси эл-юрт тақдирини билан боғланган. Мамлакат олдида турган энг муҳим вазифалар қўйиларкан, ҳужжатда "аҳоли қатламларини "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш пайти етиб келгани" ҳақида айтилади. Оммавий тус олган жуда оғир касалликни фақат шундай йўл билан ечиш мумкин. Бу ажойиб чора-тушуничага муқобил тарзда "ғоялар қақшаони" (ғояларнинг сомон йўли) тушуна-иборасини эслагимиз келади. Зеро, унинг ўрни бор. Бинобарин, Мурожаатнома замонавий илгор ғояларнинг қақшаони қабиридир. Қай нуқтага кўзингиз тушса, ўша ерда бир ёруғ қунлар ғояси ифодалангани ва улар тараққиёт тизимларига айланганлигини кўрасиз. Бу ғоялар мағзида адолат етибди, адолатнинг мусавфолоғи ва чексизлиги етибди. Ахир, адолат ҳар бир хонадонга, ҳар бир қалбга қириб келмайтирми, унда мустаҳкам ўрнашиб олижаноб яшашга, яхши кунга чорламаяптими, ҳар бор рақам ортидан инсон тақдирлари намоён бўлмаяптими? Мурожаатнома

Ўзбекистонимизда инсон ҳуқуқлари стратегиясини ишлаб чиқиш вазифасини биринчи марта кўтараяпти. БМТнинг Инсон ҳуқуқларига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши ҳақида сўз юритмоқда. Булар гоятда улугвор вазифалардир. Улар "ҳалоллик вакцинаси"нинг асос элементларидир. Булар орзу қилинган замонлар келганини билдиради. Булар Мурожаатномадаги "бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас", деган тақдирсиз фикр нақадар ҳақ ва мусавфо эканлигини исботлайди. Янги Ўзбекистон энди улуг жадидалар билан, миллий маърифатимиз қахрамонлари, улуг Махмудхўжа Бехбудий, сафдошлари, шоғирларини, уларнинг ўлмас ғоялари билан, Имом Бухорий, Мотурудий, Баҳовуддин Нақшбандлар билан яшайди ва келажак сари дадил жасорат билан боради.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ЎЧМАС ЧИРОҚЛАР

Олмаота шаҳрида Қозоғистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофотининг совриндори, ўзбек китобхонларига "Арвона", "Қалбимдаги дардим менинг", "Қашқор улиган тун" асарлари билан таниш устоз адиб Собит Дусанов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Адабий йиғинларда баъзан шундай фикрлар, хулосалар ҳам айтиладики, маъно-мантинга кўра неча юз саҳифалик китоблари расмий ҳисоботларни орда қолдириб кетади. Ижодкор қалбидан отилиб чиққан бир-икки жумла бадий ташбеҳ оламга тагиулик аҳамият касб этади. Тинглаган, эшитган кишини чуқур ҳаёлга чўмдиради.

Румий хазратлари "Сўз англамаганлар учундир, англаганларга унинг хожати йўқдур" деган эканлар. Комиллик учун интилаётган одамзот ҳали-вери кўзлаган бу буюк максалига ета олмас экан, демек, бизга Сўз ҳаммаша керак, Сўзсиз ошимизу бошимиз пишиши кийин. Шу боис унинг беминнат ёрдамида кўп нарсаларни англаймиз, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тушунишга ҳаракат қиламиз, хато-камчиликларимизни билиб оламиз. Аммо... ҳаммаша ҳам шундай бўлмайди. Кўп ҳолларда энг зарур маънавий эҳтиёжларимизни қондиришга қолдир Сўзлар ҳам эътиборимиздан четда қолиб кетади.

1995 йили атоқли адиб Чингиз Айтматов Марказий Осиё давлатлари зиёлиларининг Тошкентда таъсис этилаётган ассоциацияси миёнбариди турб айтган сўзларини эслайлик: "Адабиётнинг бугунги вазифаси кечаги ўтган кунимиздаги вазифадан, зиёлининг жамият олдидаги ўрни ва масъулияти кечагидан тамомила фарқ қилади. Ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи, ўй-фикрларини тамомила ўзгартиб кетди. Айтишим мумкинки, биргина Ўзбекистон ёки Қирғизистонда эмас, бутун дунёда ўзига хос тозарий жараён давом этмоқда. Ўзликни англаш, ўзликка қайтиш фасли бораётир. Тамойиллар ҳам, таомиллар ҳам ўзгарди. Миллий қадриятлар қаддини ростламоқда. Қуриб қолаётган ирмоқлар, ёпиб ташланган бўлоқларнинг кўзлари очилмоқда. Янгича умумбашарий тафаккур онг-шууримизга сингмоқда. Бундай шайроғида адабиёт ўзгармай қолиши мумкинми? Ҳамон эскича ёзиш, кечаги кун ютуқлари билан қаноатланиб ўтириш мумкинми? Мумкин эмас. Адабиёт энди чинакамига халқчил, миллатпарвар, маънавий тараққиётимизнинг сарокатли хизматкори бўлиши керак. Адабиёт учун, Сўз учун шундай бир тарихий имконият вужудга келди. Буни кўздан бой бермайлик. Зиёлиларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари, ижодий мулоқотлар, адабиёт ва санъат қуналарининг ўтказилиши, энг сара асарларни қардош тилларга ўгириш, ўзаро кино ҳафталикларни ўтказиш, расомларнинг кўргазмаларини ташкил этиш бугунги мураккаб шароғида гарблан "оммавий маданият" никоби остида устимизга ёпирилиб кириб келаётган маънавий айнишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир ўзбек адабиётида, хусусан, ёш ўзбек адиблари ижодида қандай ютуқлар бор, улар қайси мавзуларни қаламга олмақдалар, қандай янги йўналишлар мавжуд – бундан биз томондаги тенгдошларингизнинг хабари йўқ. Ва, ақинча, бизда нима гап, ёзилаётган, чоп этилаётган асарларнинг мазмунини, гоёвий-бадий савиясини қандай – буни сизлар билмайсизлар. Бу кетишда бир-биримиздан жуда узоқлашиб кетамиз. Бора-бора бир-биримизнинг танимай қоламиз. Бир-биримизга ишонсизлик, ҳадик кўзи билан қараб бошланади... Беғарво юрaversак, бир-биримизга интиласак шу даражага тушишимиз аниқ. Бу – тузатиш қийин бўлган маънавий фожеа бўлади..."

САФАРНОМА

Халоллик Шарқу Ғарбда азалдан улугланиб, инсоният халолликка ҳаммаша даъват этиб келинган. Хусусан, буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг сиёсий қарашларида одил ҳукмдорларга, эл-юртда адолатли тузум ўрнатилишига қатъий ишонч, қатта умид акс этиб туради.

Унинг фикрига кўра, давлатни бошқарадиган ҳукмдор яхшилик, эзгулик билан ном чиқариши, саводхон, илмли, бўлиши, хусусан, тарихини яхши билиши, энг муҳими, ахлоқдан пок бўлиши зарур. Алишер Навоийнинг қарашларини бошқарувда ҳалол меҳнатга асосланган ёндашув сифатида талқин этиш мумкин: аллома ҳалол меҳнатни ҳаётини маслак деб билиши лозим, дея уқтиради.

Шунингдек, машҳур француз сиёсат арбоби Поль Лафарг "Агар киши ҳалол меҳнат қилса, ҳаммаша яхшироқ меҳнат қилишига интилса, эртами-кечми, у шон-шухрат қозонади", деган эди.

Қайси мамлакат, қайси ташкилотда ҳалоллик механизми ишламас, коррупция қуртак отади. Коррупция бўлган жойда ўсиш бўлмайди, интилиш бўлмайди, ҳаққоний муваффақият бўлмайди.

Юртбошимиз Парламентга Мурожаатномасида жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан

Жамики эзгуликларнинг, хайрли ишларнинг боши ҳалолликдир. Ҳалоллик бўлган жойда барақа бўлади, хотиржамлик ҳукм суради.



ЎЗИМИЗДАН БОШЛАШИМИЗ КЕРАК

тараққиётимизга ғов бўлаётгани ҳақида сўзлаб, "Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаимиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўттишимиз керак", – дея таъкидлади.

Жамиятнинг юксалишига, мамлакат ривожига тўсик бўладиган бундай иллатларнинг туб моҳиятини англаган ҳолда, жамиятнинг ҳар бир соҳасида фаолият юритадиган, Президент таъбири билан айтганда, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган, коррупцияга қарши маънавий иммунитет ҳосил қилган шахсларни тарбиялаш бугуннинг энг долзарб масаласидир.

Бу борада маданият масканларини маърифат ўчоғи деб билиб, биз – маданият соҳаси вакиллари одоб-ахлоқ, инсоф, диёнат, иймон, эътиқод, виждон, меҳнатсеварлик, илмсеварлик билан бирга ҳалоллик каби энг покиза инсоний фазилатларни янада юксалтиришни ўзимиздан бошлашимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Ривожланган ташкилотларнинг бошқарув услубида тизимнинг лоқомотив шакллантирилганига гувоҳ бўлишимиз



Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномасида худди ана шундай ҳаётнинг асоси бўлган мусавфо ғоялар кураш, ҳаёт эса кураш яхидонларига ташлади. Бу учинчи мурожаат олдинги иккисидан бошдан-оёқ ҳаётбахш ғоялар, қарашларга лим-мо-лим. Аммо фарқлар ҳам йўқ эмас.

Бундан мақсад асосан уюшмаган ёшларни эзгу максаллар сари гоёвий йўналтиришдир. Дастлаб ёшларнинг ота-оналари онгини ўзгартиришимиз керак. Давлатимиз шу юрт ёшларига меҳр қўлини чўзётганини ёшларимиз хис қилсин.

Агар жамият ичига соф виждон билан кириб бормасак, жамият бизга ишонмайди. Маданият ходимлари қийинишдан тортиб, муомала маданиятигача ўрнатилган даражада бошқарилган фарқ қилиб турсак, ҳалол ва пок ҳислатларимиз билан намуна бўлсак, шунда жамият ҳам бизга ишонади. Демак, ишохотларни аввал ўзимиздан бошлашимиз керак.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Маданият вазир

ИСТИҚБОЛ УФҚЛАРИ



Одатда, мамлакатга янги давлат раҳбарининг келиши билан мамлакат тарихида янги давр бошланади. Баъзан бу давр халқ орзу-армонларининг рўёбга чиқишига имкон бермайди ва халқ янги раҳбарнинг, халқ ва мамлакат тақдирини билан яшайдиган, унинг дардига малҳам бўла оладиган, унинг интилишларига қанот бағишлайдиган янги раҳбарнинг келишини кутади.

